


А. Абалян фотолари.



Қишлоқ манзараси.

А. Абалин фототўди.

ВИЗГА ЁЗАДИЛАР

СТУДЕНТЛАР МЕҲМОНИ

Шоира Зулфия яқинда Ангрен давлат педагогика институти студентларининг меҳмони бўлди. Шоиранинг 60 йиллиги муносабати билан уюштирилган бу кечага Мирмуҳсин, Туроб Тула, Ойдин Хожиева каби қаламқашлар ҳам таъриф буюришди. Улар шоиранинг ижодий фаолияти тўғрисида сўзлаб беришди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

КОНКУРС ГОЛИБЛАРИ

Чирчиқдаги кимёгарлар маданият саройида Ўзбекистон қўшма оқсонидаги 50 йиллигига бағишлаб, «Еш овозлар» конкурси ўтказилди. Конкурсадан шарафли бarchа завод ва фабрикалар бадий ҳаваскорлик ансамбллари иштирок этди. Қизилқарғи ўтган мусобақадан сўнг «Лилъ», «Тоғона» ва «Ритм» вокал-хорус асосблари ансамбллари конкурс голиблари деб топилди. Улар энди бадий ҳаваскорларнинг об-ласть кўригиде қатнашадилар. Н. ПИРМЕТОВ.

КИЗИҚИШ КАТТА

Минскадаги маданият саройи залларида «Меҳнатта шон-шарафлар» ишори остида бадий ҳаваскорлар кўли билан яратилган турли хил бўжолар намоиши қилинмоқда. Улар орасида тошкентлик селсари Л. Бобровнинг ёнчага ўйб ишлаган «Чавандозлар», газалкентлик дурадгор Р. Нисабоевнинг «Чимен қоялари» деб номланган график асарлари ҳам бор. Томошбинлар тошкентлик ёш санъаткорлар ижодига юқори баҳо бермоқдалар.

М. ГЕРАСИМОВИЧ.

ЖАНГОВАР ИҲУЛ

СТУДЕНТЛАР МЕҲМОНИ

... Рамзиддин ҳарбий хизматини 1942 йил март ойида кичик командирилар тайёрловчи Тошкент пулемёт-минометчилар ўқув юртида курсантликдан бошлади. Лекин, ўқув юртини битириб чиқишга имкон бўлмади. Бутун қисм Сталинград фронтга жўнатилди. Тошкентдан кетган курсантлар генерал-майор Родимцев қўмондонлик қилган 169-ўқин дивизия ихтиёрига берилди.

1942 йил сентябрда 169-дивизия фронт линиясига яқин турар эди. Бу ерга ҳам гоҳо-гоҳо немисларнинг разведкачи рама-самолёти учиб келар, тартибсиз бомба ташлар эди. Сентябрь охири-ларда дивизия мудофаа ис-техкомлари куришга киришди. Бу ердан Сталинград шаҳри шундоқ кўриниб турарди.

Бутун куз ойлари давомида ваҳшииларча ҳужум қилган фашист дивизиялари қишда ҳужумчи бироз сусайтирди. Ташаббус бизнинг қўшинларимиз қўлига ўта бошлади. Кичик ҳарбий опера-цияларда жангчилар ақойиб қи-дам ва жасурлик намуналарини кўрсатдилар. Совуқ 40 даражага етганда ҳам дадил жанг олиб бў-дилар.

1943 йил 8 январь кўни 169-ўқин дивизия жангчилари Бекетов-

ка қишлоғи ёнида ҳужумга кўта-рилдилар. Ҳар бир тепалик учун омонсиз жанглар олиб борилади.

Бу жанглар Рамзиддиннинг эсида. Ушш кўни биринчи тран-шейга ағаллангандан кейин иккинчи траншейда бирдан душман пуле-мёти «тилга» кириб, жангчилари-мизнинг олға силжиганини тўхта-тиб қўйди. Рамзиддин ўз қурол-дош дўсти Йўлдошев билан бир-га душман пулемёти томон эмек-лаб бора бошлади. Бойларни усти-дан узлуксиз душман ўқилари ви-зиллаб ўтиб турарди. Улар пуле-мётга яқинлашиб граната иргит-дилар. Пулемёт жиниёб қолди. Жангчилар душман оқоплари усти-да шешарди отилдилар. Фашист-ларнинг бир қисми қириб ташла-ди ва бир қисми асир олинди.

217-тепалик учун бўлган жанг-да ҳам Р. Фахритдинов жасорат кўрсатди. Тепалик ағалланган чоғда у оғир ярадор бўлди.

Соғайиб чиққан, 1943 йил май ойидан бошлаб, 1945-артиллерия полки сафида жанг қила бошлади.

Бутун ёз, куз ойлари ҳам қи-ринг жанглар билан ўтди. Фронт-нинг қаерида душман сафини ёриб ўтиш белгиланса, ушш ерга бу артиллерия полки юборилар эди. Қримдаги Сапунгора учун ва Севастополни душмандан озод қилиш учун олиб борилган жанг-лар шиддатли бўлди. Тўплардан душман устига икки соатлаб бе-тўхтов снаряд ёғдирилди. Тўп-ларнинг стволни чўтдек қизиб кет-еа ҳам отишма тўхтамас эди.

Жанубда мағлубиятга учраган немис қўшинлари 1944 йил қиш-да Болтиқбўйида қаттиқ мудофаа-га ўтди. 1095-артполк Каунас, Шауляй шаҳарларини озод қи-лишда қатнашди. Сўнг Кенисберг оstonаларида шиддатли жанглар бошланди.

Ҳар қадамда снаряд ва ми-налар портлаб туришига қарамай, таъминот взводи батареяларга снарядларни ўз вақтида етказиб берадилар.

Бир кўни снаряд олиб кетаётган машина ва аравадан қаровонга

ЯНГИ ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Сўлим хўбонлар, текис ва равои асфальт йўллар, чини-дек озода тротуарлар, қўнқа-ватли шинам бнолар, улар-нинг деразаларига тирмашган катта-кичи даракхлар... Бугун-ги Бекетовнинг қиёфаси ана шундай!

Бекетов совет халқи фа-ишнинг устидан Буюк ғалабага эришиш арасида шаҳар деб эълон қилинган эди. У 30 ёш-дай эди. Ушш давр ичида ҳақиқатан ҳам йирик шаҳарга айланди. Катта-катта инжирорай-онлар, мактаблар ва касалхо-налар, кўплаб болалар боғча ва ясилали бундан далолат бериб турибди. Бекетов ҳамон ўсаб-ўлғайишда давом этмоқ-да.

Шаҳар юбилейи арасида бу ерда бунёд этилган янги истироҳат боғи аҳолига яна бир улкан соғи бўлди. Юрий Гагарин номи берилган янги оромгоҳини шаҳар саноат кор-хоналарининг ишчи ва хизмат-чилари ҳамда мактабларнинг ўқувчилари танбалликларда, дам олиш кўнларида обод этди-лар.

— Бу ерда ҳозир уларнинг ўзалари мириқиб ҳордиқ чиқа-ришяпти, — дейди шаҳар ик-рония комитетининг ташкилотчи инструктори В. Шульгина. — Даракх кўчатлари уларни ўт-казган болалар билан барабар улғайиб бормоқда...

СПАРТАКИАДА ПРОГРАММАСИДА

Ўзбекистон XVII спартакиа-даси программасида спорт-нинг қатор турлари бўй-ча мусобақалар қизгин да-вом этмоқда. Иқинда Тошкент отчопарида чавандозлар баҳси бўлиб ўтди. Республикамиз об-ластлари ва Тошкент чавандоз-ларининг бир неча кун давом этган мусобақаларидан сўнг голиблар маълум бўлди. 260 очко тўплаган Тошкент шаҳри спортчилари биринчи ўринни олдилар.

Мегралик спортчи бўйича ўтказилган мусобақа ҳам ни-ҳоясига етди. 100 очко тўпла-ган Тошкент шаҳри вакиллари

биринчиликини қўлга киритди-лар. Тошкент ва Сирдарё об-ластлари иккинчи ва учинчи ўринларини бўлишиб олдилар. Спорт гимнастикаси икки-юзлари гимнастикачи қизлар-нинг чиқишларини эър қизи-қиб билан кузатдилар. Облас-тиниз вакиллари Ирина Иж-болдина, Елена Маткова, Сан-да Ҳасанова мажбурий ва эр-кин программаларида машқларни маҳорат билан бажариб, сов-ришли ўринларини эгалладилар. Команда ҳисобида эса Тошкент шаҳри ва Тошкент области би-ринчи ва иккинчи ўринни ол-дилар.

ДАСТЛАБКИ ТУРЛАРДАН СЎНГ

Республика «Билимлар уйи»-да «Спартак» кўнчили спорт жамияти Ўзбекистон Совети биринчилиги учун мамлаката-миз пашка юлдузларининг му-собақалари қизгин давом эт-моқда. Бу турнирда итифоқ-нинг кўзга қуришган моҳир шашкачи қизлари билан бирга О. Аҳмедова, Х. Иброҳимова, З. Бобоевона каби республи-камизнинг умидли шашкачилар-и ҳам иштирок этмоқдалар.

Дастлабки икки турдан сўнг бир қатор шашкачилар турнир пешқадами бўлиб олдилар. 12

партиядан 4 таси ғалаба билан жулудилар. Икки иккинчидан 1,5 очко тўплаган М. Яковлен-ко, Г. Глазова, Л. Григорьева О. Аҳмедова олдида келмоқ-далар.

Республика шашка-шашка клубида эса республика XIX чемпионати старт олди. Че-пионатда эриқ спортчилар ҳаққора шашка бўйича ўзаро мусобақалашмоқдалар. Даст-лабки икки турдан сўнг тош-кентлик Ю. Андригин 2 очко билан турнирда пешқадамлик қилапти.



Б. ШОНАЗАРОВ.

қўйган бу қиз ҳозир 4-разряд-ли назоратчи.

Л. Глауберзон фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БҲУҒУН
БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 16.50 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Ўзбекистон мактаб ўқувчилари XXIV спартакиадасининг тантанали очилиши. 18.00 — «Кри-вал галстук». 18.40 — Якуловчи Яннинг «Мехнат сурушлари». 19.10 — «Ахборот». 19.25 — «Кип-лода шайшайиш, техникани оил. 19.55 — Ҳи минут музика. 20.05 — Миллионлар ленинча универ-ситети. 20.20 — Ёшлар иқтисод. 20.50 — «Ахборот». 21.10 — Кон-церт. 22.00 — «Ванг». 22.30 — Футбол: СССР — Югославия. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.25 — МОСКВА. 16.30 — Телефильм. 17.15 — Фан олами. 17.45 — Телеочерк. 18.15 — Олга, болалар! авр. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувонч ноталар. 19.30 — Баҳорини урим-йигим. 20.15 — Александр Невский (бадий фильм). 22.00 — Ишга тушйриладиган объектлар кўрнамаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 21.10 — Тошкент янгиликлари. 21.25 — Фильм-кон-церт. 22.10 — Қотиб қолган чиқ-моқлар (2-серия).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21IV да Катта концерт, 22IV да Травката.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21IV да Алжонларни, 22IV да Нюиссия.

КИНО

Софдил: Сунги ўқ — «ТОШ-КЕНТ» СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИ-ГЫ. «КОЗОГОНСКИ», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛ-ЛИГ», «МОСКВА» (қурувда ва кечурув), «БИЛИМЛАР УЙИ» (13.00, 16.00, 19.00).

Очиқликка қарши манорлик — «НУКУС», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА НОМЛИ. НАВОНИ НОМЛИ, САЙҲАТ САРОЙИ (қурувда ва кечу-рув).

Катта аттракцион — «ЧАНКА» (қурувда ва кечурув).

ЁЗГИ БИНОДА

Софдил, Сунги ўқ — «ФЕСТИ-ВАЛЬ».

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1975 йилининг иккинчи ярим йиллиги учун МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА — «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликлариде, алоқа бўлиминиде, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарғиловчилар томонидан қабул қилинади.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги.

Москва «Стройдомаш» қурилиш-конструкторлик бюросининг «СРЕДАЗСТРОЙМАШ АВТОМАТИЗАЦИЯ» бошқармаси ва энскава-тор заводи ҳузуридаги

5-ТОШКЕНТ КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИК БУЛИМИГА

ностандарт усунчалар бўйича конструкторлар, сметачилар, ин-женер-электриклар, итисодчи, технолог, малакали секретари, нус-ха кичурувчи, машинистка, чизмачи, ёрдамчи ишчи ва фаррош.

КЕРАК

Тошкент шаҳар. Пролетар кўчаси, 4-уй. — Аҳолини нига жой-лаштириш ва информация бюроси ҳақда Тошкент шаҳридаги рай-он янроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашйлеи.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан

330258 гача.

Эълонлар — 338142.